

Ёш тадбиркорлар билан мулоқот



Сурхондарё вилояти ҳокими Улуғбек Қосимовнинг Ёш тадбиркорлар билан видеоконференсия тарзида давра суҳбати бўлиб ўтди.

Мазкур учрашувда вилоятнинг шаҳар ва туман студиялари орқали туман ҳокимлари, сектор раҳбарлари ва ёш тадбиркорлар иштирок этишди.

Учрашувда ёш тадбиркорларга кредит олиш, имтиёз ва имкониятлар, солиқ то'ловлари тартиблари ва бошқа масалалар юзасидан марказий ва тижорат банклари мутасаддилари, Солиқ бошқармаси бошлиғи ҳамда Кичик бизнесни қўллаб-қувватлаш маркази раҳбарлари томонидан батафсил маълумот берилди.